O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

«Соғлом авлодни тарбиялаш барчанинг, бутун жамиятнинг, шу юртда яшайдиган ҳар бир инсоннинг асосий иши, инсоний бурчидир.»

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 29-may • Seshanba • 63 (27.708) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

❖ 1 ИЮНЬ – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган хайрия марафони бўлиб ўтди.

ИСТИРОҲАТ БОҒИДАГИ ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда шаҳримиздаги бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб интернатларининг ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни муҳофазалаш борасида доимий ғамхўрлик кўрсатилаётганини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда юртимизда серфарзанд, кам таъминланган оила фарзандлари, тиббий кўмакка муҳтож болалар манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг таълим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, касбий кўникмаларини шакллантириш, жамиятда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш доимий эътиборда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида бундай эзгу ишлар миқёси янада кенгаймоқда. Меҳрибонлик уйлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тарбияланувчилар таълимнинг келгуси босқичлари билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, педагог-тарбиячилар, мураббийларнинг касбий малакасини ошириш, меҳнатини рағбатлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хайрия тадбири доирасида кўрик-танловлар, викториналар, беллашувлар, спорт мусобақалари, дарслик ва ўқув қўлланмалари кўргазмаси, болалар мусиқий жамоалари иштирокида концертлар бўлиб ўтди.

Тадбир якунида Меҳрибонлик уйлари ҳамда махсус мактаб интернатларга ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Суратларда: кичкинтойлар уйи фаолиятидан лавҳалар.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли Китоб туманидаги «Ёш гўдаклар уйи»да ҳозирги кунда 50 нафар бола тарбияланмоқда. Асосан тўрт ёшгача бўлган туғма нуқсонли гўдаклар саломатлиги тикланаётган бу масканда бўлган киши яратилган шароитга, таҳсин айтиши табиий. Барча ходимлар эса болаларга ота-онадек меҳр ва ғамхўрлик кўрсатишмоқда.

— Ишлаган одамга хайрихоҳлар, уни қўллаб-қувватловчилар ҳар доим топиларкан. — дейди муассаса раҳбари Роҳатой Ниёзова. — Ўтган йили бизга мамлакатимиз раҳбари совға қилган «Дамас» автомашинаси топширилди. Бундан бошимиз кўкка етди. Биз болалар саломатлигини тиклаш йўлида қўлимиздан келганича ҳаракат қиляпмиз.

САМАРҚАНД ВА МАРҒИЛОН ЮБИЛЕЙЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон дунёга қадимий ва бой маданиятга эга мамлакат сифатида маълум ва машҳурдир. Буюк аждодларимиз бизга кўплаб меъморий ёдгорликлар, очиқ ҳаводаги музей-шаҳарлар, жаҳон цивилизацияси тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган ажойиб адабий ва илмий асарлар, халқ оғзаки ижоди ҳамда амалий санъати дурдоналарини мерос қолдирган. Юртбошимиз ушбу кенг кўламли ноёб меросни қайта тиклаш ва асраб-авайлаш, уни Ўзбекистоннинг серқирра миллий маданияти асосида ривожлантиришга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил 25 июлдаги «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» ҳамда 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари ушбу улкан ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистоннинг ушбу икки қадимий шаҳри юбилейлари ЮНЕСКО шафелигида ўтказилади. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида «Самарқанд ва Марғилон шаҳарларининг жаҳон цивилизацияси тарихи ва маданиятидаги ўрни» мавзуида халқаро илмий конференция, ушбу тадбирга бағишланган кўргазма ҳамда Ўзбекистон санъати усталарининг концерти бўлиб ўтди. Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги делегацияси ҳам иштирок этди.

Мазкур вазирлик матбуот хизматининг ЎзА мухбирига маълум қилишича, ЮНЕСКО Бош котиби Коичиро Мацуура Ўзбекистон делегацияси билан учрашувда Президент Ислом Каримовнинг ўзбек халқининг тарихий-маданий меросини асраб-авайлашга қўшаётган улкан ҳиссасини юқори баҳолашини таъкидлаган ва давлатимиз раҳбарига ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги фаолияти ҳамда лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик изҳор этган. Шунингдек, учрашувда бой тарих ва маданиятга эга Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлиги қайд этилган. Бугун Ўзбекистоннинг кўплаб қадимий дурдоналари ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган.

Ўзбекистон делегацияси раҳбари, Маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов учрашув иштирокчиларига мамлакатимизда маданиятни ривожлантириш, тарихий меросни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди. Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболларига оид масалалар хусусида фикр алмашилди.

Парижда ўтказилган халқаро илмий конференция муҳим воқеага айланди. Унда ЮНЕСКО, Франция вазирликлари ва Сенати вакиллари, таниқли тарихчи олимлар, археологлар, санъатшунослар, шунингдек, дипломатлар ҳамда жаҳон мамлакатларининг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий вакиллари иштирок этди.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон ва Франция олимларининг маърузаларида Самарқанд ва Марғилоннинг жаҳон цивилизацияси ривожидаги тарихий роли ҳар томонлама очиб берилди ҳамда илмий жиҳатдан асосланди. Анжуманда Франциянинг Термиздаги археологик экспедицияси раҳбари, профессор П.Лериш, франциялик тарихчи К.Лошон, Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий вакили Р.Алимов, Ўзбекистон Бадиий академияси бош илмий котиби К.Оқилова, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Ж.Исмоилова, Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти бўлими мудири Б.Матбобоев ва бошқалар сўзга чиқди. Олимларнинг сўнгги тадқиқотлари натижалари, археологик қазилмалар пайтида топилган Самарқанд ва Марғилоннинг жаҳон цивилизациясини ривожлантиришда муҳим тарихий ҳамда маданий-гуманитар ролидан далолат берувчи илмий далиллар, ҳужжатлар, маълумотлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Олимларнинг чиқишлари давомида ушбу икки қадимий шаҳримизнинг ўтмиши ҳамда бугунги куни тўғрисида ҳикоя қилувчи слайдлар ва видеофильмлар намойиш этилди.

Бу ерда ташкил этилган кўргазма ҳам катта таассурот қолдирди. Унинг экспозициясидан Самарқанд ва Марғилон усталарининг энг яхши ҳунармандчилик санъати намуналари, шаҳарларимиз ҳамда Ўзбекистон тарихи ҳақида ранг-баранг плакатлар ва бошқа матбаа маҳсулотлари жой олган.

ЮНЕСКО Бош котиби Коичиро Мацуура кўргазмани очар экан, Самарқанд ва Марғилон, илгари нишонланган Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари юбилейларининг ЮНЕСКО шафелигида ўтказилиши ушбу қадимий тарихий-маданий марказларнинг халқаро аҳамияти, ўзбек халқининг бой маънавий меросини жаҳон жамоатчилиги учун асраб-авайлаш нечоғли муҳимлигидан далолат беришини таъкидлади.

Ўзбекистон санъат усталарининг концерти, шунингдек, Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонасида бўлиб ўтган тантанали кеча мазкур юбилейларга бағишланган катта дастурнинг ажралмас қисмига айланди. Бу тадбирлар қадимий маданиятимизнинг кўплаб ихлосмандлари нигоҳида Ўзбекистон миллий санъати, халқимизнинг анъана ва урф-одатлари, пазандачилигининг бетакрор қирраларини намойиш этди.

ЮНЕСКО қароргоҳида Самарқанд ва Марғилон юбилейларига бағишлаб ўтказилган тадбирлар иштирокчиларга нафақат дунёга машҳур ушбу икки шаҳар, балки мамлакатимиз тарихи ҳамда бугуни билан яқиндан танишиш имконини берди. Негаки, хорижда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётир. Бу, биринчи навбатда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ислоҳотларнинг юксак самаралари, халқимизнинг мустақиллик туфайли кенг кўламли туб ўзгаришларни амалга оширишдаги собитқадамлиги билан боғликдир.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

КУН ТАРТИБИДА ОРОЛ МАВЗУСИ

Вена шаҳрининг «Хофбург» конгресслар залида Орол денгизи ҳудудининг экологик ҳамда иқтисодий ривожланишига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. У Ўзбекистоннинг Австриядаги элчихонаси қўмагида мазкур мамлакатнинг Бруно Крайский номидаги «Халқаро мулоқотлар» форуми ва «Экосан» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Австриянинг вазирлик ва идоралари, халқаро ташкилотлар, академик ва ишбилармон доиралар, дипломатия ваколатхоналари вакиллари, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад Европа жамоатчилиги эътиборини Орол муаммоси масалаларига қаратиш, ҳудудни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва экологик вазиятни яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан изоҳланади.

Тадбир иштирокчилари ўз чиқишларида Орол денгизи ҳудудидаги экологик вазиятни яхшилаш, Амударё ва Сирдарё сувларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, бу борада халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилиш зарурлиги хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Австриялик таниқли эколог олим, профессор Ханс Питер Начтебель мазкур учрашувнинг муҳимлигини таъкидлар экан, мавжуд сув манбааларидан оқилона фойдаланган ҳолда Оролнинг ҳозирги ҳолатини сақлаб қолиш учун барча имкониятларни ишга солиш зарурлигини қайд этди.

— Бу борада чегарадош давлатларнинг сув ресурсларидан фойланишда ўзаро мақбул бошқарувга эришиши жуда муҳимдир, деди у. — Бундай тажриба Марказий Европада яхши йўлга қўйилган. Биз учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган Дунай дарёси сувларидан Европанинг 14 мамлакати унумли тарзда фойдаланиб келмоқда. Ўйлайманки, Марказий Осиё давлатлари ҳам бу тажрибадан самарали фойдаланади.

«Экосан» жамғармаси мутасаддилари Австрия ишбилармон доиралари, сармоядорлар ва банк тизими вакилларининг диққат-эътиборини минтақадаги мавжуд сув манбаларини сақлаш ва ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришни кўзда тутувчи лойиҳа ва дастурлар билан таништиришга қаратар экан, уларни бу борада фаол иштирок этишга чақирди. Форум давомида мазкур муҳим масалалар юзасидан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

«Жаҳон» АА

❖ Фракция фаолияти

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ

ТИНЧЛИГИ ВА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНА БИР АСОСИ ВУЖУДГА КЕЛДИ

Келажак бугундан бошланади. Бугунги ҳаракатимиз, меҳнатимиз эса эртамизнинг қандай бўлишини белгилайди. Ҳозир ёшларга берилаётган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик келажакка қўйилган сармоя бўлиб қайтади, ўз мевасини беради. Юртимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Ўтган давр мобайнида ёш авлоднинг таҳсил олиши, соғлигини мустаҳкамлаш борасида жуда кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эса жамоатчилик томонидан алоҳида эътибор ва хурсандчилик билан қарши олинди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида ЎзХДП Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туман кенгашлари ҳамкорликда ташкил этган мавзу юзасидан маъруза қилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари ҳамда талабалар учрашуви ана шу масалаларни чуқурроқ ўрганишга бағишланди. Институт ректори Жасур Акрамов олиб борган ушбу тадбирда бу борада яна кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Президентимизнинг 2007 йил 23 январдаги қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида ёш авлоднинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, касб маҳоратини ошириш ҳамда катта ҳаётга кириб келаётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси акс этган, — деди фракция раиси Аслиддин Рустамов. — Уларни амалга ошириш юзасидан қилинаётган ишлар жуда кенг қамровли. Юқоридаги Фармоннинг эълон қилиниши эса бошланган хайрли ишларнинг узвий қисмидир. Бу ўсиб келаётган авлод нафақат илм-фан чўққиларини эгаллаши, таълим-тарбия, спорт, маънавият-маърифат, ижтимоий-сиёсий соҳаларда етукликка эришиши, соғлом бўлиб вояга етиши, балки ўз оиласининг моддий асосини, иқтисодий негизларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам юрт раҳбарининг доимий эътиборида эканини кўрсатади.

Шундан сўнг сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Боймурод Юсупов, Фахриддин Ражабов, Анвар Бойқуловлар бугун мамлакатимизда ёш оилалар манфаатлари ҳимоясига доир ўзига хос қонунчилик тизими яратилганини таъкидладилар. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Олий Мажлис қўйи палатасининг қонунияратувчилик фаолияти, ХДП фракцияси фаолияти хусусида батафсил тўхталдилар. Талабаларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтардилар.

(Ўз мухбиримиз)

ПАРТИЯ МАФКУРАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Партия аъзолари ва электорат вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, дастурий мақсадларни бажаришда ЎзХДП ҳар бир ташкилотига ахборот-услубий кўмак бериш мақсадида ташкил этилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимининг минтақавий кенгашлардаги навбатдаги машғулотлари бўлиб ўтмоқда. Семинарларнинг бу галги мавзуси «Ижтимоий ҳимоя йили»да Ўзбекистон ХДП мафкурасининг ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия принциплари аҳамияти ва партия ташкилотларининг вазифалари» деб номланиши бежиз эмас. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши, бу борадаги барча ишлар ижтимоий муҳофазага мутож аҳоли қатлами — ЎзХДП электорати манфаатига қаратилган экан, бу партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларидан аниқ ташаббуслар, амалий ишлар ва алоҳида масъулиятни талаб этади. Бўлиб ўтган сиёсий семинарларда ана шу масалалар хусусида фикр юритилди. Семинарларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ЎзХДПдан сайланган депутатлар, туман, шаҳар партия кенгашлари раислари, фаоллар, экспертлар ва электорат вакилларининг иштирок этаётгани машғулотларнинг жонли ҳамда ишчанлик руҳида, баҳс-мунозараларга бой ўтишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши семинарини партия кенгаши раиси ўринбосари Ш.Файзиев олиб борди. «Сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, уларнинг дастур ва мафкуралари ўзига хос хусусиятлари» мавзуида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари Қ.Жўраев, «Ижтимоий ҳимоя йили»да Ўзбекистон ХДП мафкураси ва партия ташкилотлари вазифалари» ҳақида фалсафа фанлари номзоди, Тошкент ирригация ва мелиорация институти доценти М.Аҳмедбекова маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳақида алоҳида тўхталдилар. Мазкур ҳужжат ёшларни, ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, мамлакатимизда аҳолининг ҳаётий манфаатларини таъминлаш борасида изчиллик билан олиб борилаётган ишларнинг яққол кўриниши эканини таъкидладилар. Партия ташкилотларининг мазкур Фармондан келиб чиқадиган вазифалари белгилаб олинди.

Қорақалпоғистон республика кенгашида бўлиб ўтган семинарда иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Қорақалпоғистон Республикасига қилган сафари чоғида жамоатчилик вакиллари билан суҳбатида қўйган долзарб масалаларга тўхталдилар. Партия ташкилотлари, фаолларининг шундан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида фикр юритдилар. Партия кенгаши раиси А.Асанов мавзу юзасидан маъруза қилди. Сўзга чиққанлар ЎзХДП мафкурасининг мазмун-моҳиятини партия электорати, аҳоли ўртасида тушунтириш, бошланғич, айниқса, аҳоли яшаш жойларидаги худудий партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, тарғиботчи-ташвиқотчилар таркибини такомиллаштириб бориш ҳақида фикр юритдилар.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ Парламент фаолияти

ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИ

коммунал ва таъмирлаш хизматлари бозорида рақобатни шакллантириш масалаларига қаратилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда таъмирлаш ва коммунал хизматлар бозорини шакллантириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан ижро этилиши ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг ўринбосари О.Аҳмедов ахборот берди.

Республикада коммунал хўжалик учун зарур бўлган ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш, ундан фойдаланишда бозор механизмларини татбиқ қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Агентлик томонидан эса бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Таъмирлаш ва фойдаланиш соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан уй-жой мулкдорлари орасидаги шартномавий муносабатлар мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, йиғилишда уй-жой коммунал соҳасида рақобат сезиларли даражада эмаслиги қайд этилди.

Кўпгина хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУМШ)нинг умумий йиғилиш ва бошқарувга оид ваколатлари бошқарув компаниялари бошқарув компаниялари ва бошқарувга берилгани «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунга зиддир. Масалан, ХУМШ ва бошқарув компаниялари томонидан бажариладиган ишларнинг тури, ҳажми, меҳнат харажатлари, материаллар, машина, механизмлар сарфи, нархлар кўрсатилган, уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни сақлашга қаратилган режалар ишлаб чиқилмаган.

Шунингдек, қўмита томонидан ХУМШ ва кўп квартирали уйлардаги нотурар жой мулкдорлари билан шартномалар тузиш масаласи ҳам ўрганилди. Юнусобод туманидаги 274 та нотурар жой мулкдорларидан 75 тасигина ХУМШ билан шартнома тузган. Чилонзор туманидаги 6 та ширкат текширилганда, улардаги 21 та нотурар жой мулкдорларининг фақат 10 таси шартнома тузганлиги аниқланди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли идораларга тавсиялар берилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

ПАРТИЯ МАФКУРАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бухоро вилоят кенгашида бўлиб ўтган шу мавзудаги семинарда ЎзХДП вилоят кенгаши раиси С.Жўраева ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали лойиҳа раҳбари Б.Мирзақулов маъруза қилдилар. Семинарда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳ.Муҳаммедов, Қонунчилик палатаси депутати, ХДП фракцияси аъзоси Ш.Каримов «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг амалга оширилишида маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Хоразм вилоят кенгаши машғулотида партия кенгаши раиси Р.Сабуров маъруза қилиб, партия ташкилотлари ва депутатлик тузилмаларининг вазифаларига алоҳида тўхталди. Мавзу юзасидан сўзга чиққан Хивадаги 20-сон «Меҳрибонлик уйи» директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси В.Пак «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажаришда аҳолини, айниқса, ёшларни соғломлаштириш тадбирларини сифатли ўтказиш зарурлигига эътибор қаратди. Кейинги пайтларда ёшлар ўртасида баъзан учраётган камқонлик, йод етишмовчилиги туфайли пайдо бўладиган касалликларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни самарали йўлга қўйиш ҳақида таклифлар билдирди. Бу борада партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ташаббуслар билан чиқиб, тегишли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш зарурлигига эътибор қаратди.

Фарғона вилоят кенгашида бўлиб ўтган семинар саволжавоблар ва баҳс-мунозараларга бой бўлди. Вилоят кенгаши раиси М.Исоқов бошқарган семинарда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти филиали раҳбари Н.Темиров мавзу бўйича маъруза қилди. Сўзга чиққанлар ЎзХДП мафкурасида белгиланган ижтимоий адолат принципи мазмун-моҳиятига эътибор қаратдилар. Маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини яхшилаш, уларнинг электорат манфаатига тааллуқли масалаларни сессияларда кўтариб чиқиш, Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларни ҳал этилишида иштирок этиш бўйича таклифлар билдирилди.

Андижон вилоят кенгашининг машғулотида вилоятдаги ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишида депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Мавзу юзасидан маъруза қилган вилоят партия кенгаши раиси О.Мадаминова ва ЎзХДП Андижон шаҳар кенгаши раиси А.Носиров бу ҳақда тўхталиб, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш ҳақида таклифлар айтдилар. Сўзга чиққанлар партия ташкилотларининг ЎзХДП мафкуравий принципларини ёшлар ўртасида кўпроқ тарғиб этиш лозимлигини таъкидладилар.

Семинарларда партия фаоллари ва депутатлар ўзаро фикрлашдилар, тажриба алмашдилар. Иштирокчиларга мавзу юзасидан услубий материаллар, тегишли тавсиялар берилди.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Урганч шаҳар кенгаши «Саховат» маҳалласида «Оила — муқаддас қўрғон» деб номланган давра суҳбатини ўтказди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда оила фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармони мазмун-моҳияти ҳамда мамлакатимиз тинчлиги, равнақи ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, барқарорлигига боғлиқлиги ҳақида фикрлашдилар.

Хонқа туман кенгаши Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида «Оила — жамиятнинг кичик бўлаги» мавзуида давра суҳбати ташкил этди. Иштирокчилар бугунги кунда ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар ҳақида гапирдилар. Партия фаоллари бу йўналишда ЎзХДП Дастурида кўзда тутилган вазифаларга тўхталди.

Ғузор туман кенгаши Абдулла Қаҳҳор номли 16-мактабда туман маънавият тарғибот маркази ва халқ таълими бўлими ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Адиб ижодини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзуида семинар ўтказди.

Тадбир қатнашчилари мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган адабиётимиз йирик намояндаси ҳаётини акс эттирувчи кўргазмалар билан танишдилар. Тадбир сўнггида Ўзбекистон ХДП Ғузор туман кенгаши раиси Р.Холманова мактаб жамоасига эсдалик совғалари топширди.

Навбаҳор туман кенгаши соврини учун туман миқёсида футбол мусобақаси ташкил этилди. Навбаҳор марказий ўйингоҳида мусобақанинг очилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси Ш.Умаров, вилоят футбол федерацияси раиси М.Худоёров ва бошқалар мамлакатимизда спортга бўлган эътибор, соғлом авлодни тарбиялашда спортнинг аҳамияти хусусида сўз юритдилар.

Маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, корхона ва жамоалари иштирок этаётган мусобақа ғолиблари ЎзХДП туман кенгаши ва ҳомийларнинг совғалари билан мукофотланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

❖ Ўзбекистон — буюк имкониятлар мамлакати

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ОРЗУЛАР

«ТОШҒУЗОР — БОЙСУН — ҚУМҚЎРҒОН» ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА БИР КУН

САЙЁҲНИНГ ҲАЙРАТИ

Қизиқ, кўпинча ўзимизнинг ёнимизда бўлаётган ишларга баъзан унча эътибор бермаймиз. Нечоғли улкан, такрорланмас қаҳрамонликларга ҳам гоҳида парво қилмаймиз. Лекин чеккадан, ўзгаларнинг фикри, баҳосини эшитганимизда бошқача кўз билан қарашга интиламиз.

Темир йўл иншооти бунёдкорларининг Шўробсой дарасидаги қаҳрамонликлари билан танишиб, яқингинада қурилиб ишга тушган «Дарбанд» — поезд йўл бекати томон юрганимизда, йўлда бир сайёҳ диққатимизни тортди. У елкасида катта юкхалтасини кўтарганча, янги қурилган кўприкни суратга оларди. Россиянинг Чебоксари деган жойидан бўлган Владимир Матвеев шундай деди:

— Мен профессионал сайёҳман, дунёни, яқин-узоқ юртларни кезишни ёқтираман. — Уйдан чиққанимга ҳам мана тўрт ой бўлди. Бундан икки йил аввал Болтиқбўйи давлатларини тўлиқ кезиб чиққан эдим. Бу йил эса Россиядаги кўплаб шаҳарлар билан бирга Ўрта Осиё республикалари бўйлаб саёҳатга чиқдим. Ҳозиргача Қозоғистон, Тожикистон давлатларининг бир қанча вилоятларини пиёда босиб ўтдим. Қорақалпоғистонда бўлдим. Оролбўйи минтақаларини кўздан кечирдим. Айниқса, менга Хоразм воҳасининг қадимий гўшалари жуда ёқди. Лекин мен Самарқанд ва Бухорога саёҳат қилишдан аввал — сизларда қурилаётган мана бу темир йўл қурилиши ҳақида эшитиб шу ерга келдим. Бу ишларни кўриб, роса ҳайратим ошди. Чунки, мен қанча вақтдан буён йўлдаман, кўп юртларни кездим. Аммо... яқин йиллар ичида ҳеч қайси юртда бундай катта ишни, катта қурилишни кўрмадим...

Сайёҳнинг бу эътирофи кўнглимизни шу қадар ғурурга тўлдириб юбордики, Юртбошимиз раҳбарлигида жуда узоқни, ёрқин келажакни кўзлаб амалга оширилаётган бу афсонавий бунёдкорликлар қўлами моҳиятини яна бир бор дилдан ўтказдик.

ДАРБАНД БЕКАТИДА

Бу ерда қурилган муҳташам темир йўл бекатига боқиб, қувонмай иложи йўқ. Шундоқ чор-атрофи тоғу даралар ўртасида ғоят гўзал сўлим маскан барпо этилибди. Дарбанд дарёсидан ўтгунча 3 та мустаҳкам ва ҳайбатли кўприк ҳам бунёд этилибди, айниқса дарё устида қурилганининг узунлиги 50 метрдан ошади.

Бекатга кириб борганимизда кўнглимиз янада яйради. Бино шунчалик шинам ва замонавий тарзда қурилганки, унда меъморчилик маҳорати ёрқин акс этиб турибди. Бекат бир вақтнинг ўзида 75 нафар йўловчига хизмат кўрсата олади. Кутиш залида юмшоқ ўриндиқлар. Чиқиш йўлаклари эса бежирим. Вокзал ўтган йилнинг ноябрь ойида фойдаланишга топширилган эди. Бу ер табиатан сўлим. Пастда дарё ҳайқириб оқмоқда...

Айни кунларда Тошғузор — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг айниқса Дарбанд ва Чакчак ҳудудларида ишлар қизғин тус олган. Вокзал атрофида эса 28 та коттежлар қурилиши ҳам жадал суръатлар билан олиб борилаётир. Бу уйлар — темир йўлчилар учун. Поезд йўли ишга тушгач, биргина Дарбанд бекатида 700 киши иш билан таъминланади. Чунки поездлар қатновини ва юклар тақсимотини йўналтирувчи махсус ДЕПОнинг ҳам айнан ана шу гўшада жойлаштирилиши мўлжалланган. Шунингдек, темирйўлчиларнинг болалари учун қўшимча равишда 210 ўринга мўлжалланган мактаб биноси ҳам қад кўтармоқда.

ШЎРОБСОЙ — ЧАК-ЧАК ЙЎЛИ

...Дарбанд вокзалида журналистлар билан мулоқот уюштирилди. Унда Қарши — Термиз темир йўл узели касаба уюшма қўмитаси раисининг ўринбосари Шавкат Турсунов журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Унинг айтишича, айни пайтда «Дарбанд» станциясидан Шўробсой дараси орқали Қашқадарё воҳаси билан чегарадош Чак-чак довонига ўтувчи ўта мураккаб йўлни барпо этиш қизғин паллага кирган. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси тасарруфидаги 18 та ташкилот, жумладан 4 та кўприксозлик қурилиш жамланмаси жамоаси кеча-кундуз меҳнат қилмоқда. Ҳозирча бу ерда 200 та техника, 1800 нафар ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходим ғайрат-шижоат кўрсатиб ишламоқда. 100 та «МАЗ» русумидаги, шунингдек Хитой, Австрия ва Россиядан келтирилган иш мароми юқори бўлган кўплаб бульдозер, экскаватор ва бошқа техникалар темир йўл қурилишини тезроқ якунлашга сафарбар этилган. Ишни тезлатиш мақсадида яқин кунларда яна 700 нафар ишчи жалб этилиши режалаштирилмоқда.

ИМКОНИЯТЛАР ҚЎЛАМИ

«Тошғузор — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўлининг барпо этилиши моҳиятан мамлакат, жумладан Сурхон воҳаси иқтисодига катта наф келтиради. Мисол учун 2006 йилда Сурхондарёнинг маҳсулот экспорт ҳажми 148 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, янги темир йўл линияси ишга туширилса, маҳсулот экспорт қилиш ҳажми келгуси йилга 250 миллион АҚШ долларигача етиши мумкин экан. Бу далилларни бежиз келтирмаяпмиз. Чунки ҳозирда Бойсун туманида германиялик ишбилармонлар билан цемент заводи қуриш бўйича ишлар бошланиш арафасида. Темир йўл барпо этилгач, Бойсундаги «Тўда» кўмир конида маҳсулот қазиб олиш ҳажми 500 миллион тоннага етказилади.

Бундан ташқари, Сариосиёдаги «Хонжиза» тоғларида минглаб тонна мис, кумуш, қўрғошин каби рангли металлар борлиги аниқланган. Шунинг учун бу ерда 2007-2009 йилларда руда ишлаб чиқариш корхонаси ва бошқа иншоотлар қуриш мўлжалланмоқда. Яқин уч йил давомида Хонжизада шахта бунёд этилади. 33 километрлик йўл реконструкция қилиниб, йилига 650 минг тонна рангли металлни қайта ишлайдиган корхона қурилиши кўзда тутилган. Табиийки бу корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асосий қисми темир йўл транспортлари орқали ташилади. Шу боис «Хонжиза — Кенгузар — Денов» 16 километрлик темир йўлини барпо этиш ва уни асосий темир йўл линиясига улаш мақсадида Малайзия давлати ишбилармонлари билан 240 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция киритилмоқда.

Умуман «Тошғузор — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўли барпо этилиши жараёнида катта-кичик 9 та станция қурилиб, ана шу жойларнинг ўзидагина 1000 нафар кишини иш билан таъминлаш имконияти юзага келмоқда. Шунингдек, одамларнинг иҳтимоий-иқтисодий шароити яхшиланади. Темир йўлда ишлайдиган ишчи-хизматчиларнинг уй-жой шароитини яхшилаш мақсадида «Бойсун» темир йўл бекатида 10 та турар-жой коттежлари, 120 ўринли мактабгача тарбия муассасаси, амбулатория, сув билан таъминлаш иншооти, почта, телефон ва бошқа алоқа коммуникациялари барпо қилинади. Янги темир йўл ишга тушиш билан фақат Бойсунда яқин атрофдаги 5 та туманнинг халқ хўжалиги юкларини тушириб олиш шароити юзага келади. Энг асосийси темир йўл ишга тушгач, Сурхондарёдан Тошкентга қатнаш масофаси анча қисқариб, йўловчилар Термиздан Тошкентга ҳозиргидай 18 соатда эмас, балки 12 соатда етиб бориш қулайлигига эга бўладилар. Йўловчи ташиш поездларида чипта нархи ҳам ҳозиргига қараганда 40-50 фоизгача арзонлашади.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

НУРЛИ МАНЗИЛЛАР САРИ

— Темир йўлларни бежиз мамлакат қон томирлари дейишмайди. Чунки қурилиқдаги юкларнинг асосий қисми темир йўллар орқали ташилади. Бундан ташқари, йўловчиларни узоқ-яқин манзилларга элтишда тезюрар, ҳар томонлама қулай ва ишончли поездларнинг аҳамияти ҳамда ўрни ғоят беқиёс, — дейди Қарши — Термиз темир йўл узели бошлиғининг ўринбосари Отабек Раҳимов. — Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълумки, дунёда кўпгина давлатларда 80 фоиз юк асосан темир йўллар орқали ташилади. Бугунги кунда бизнинг мамлакатимиз ичида ташилаётган юкларнинг 81 фоизини темир йўллар орқали манзилга етказиб берилмоқда. Ёки бошқача айтганда бир кеча-кундузда темир йўл транспортлари орқали 150 минг тонна халқ хўжалигининг турли-туман юклари ташилмоқда.

«Мамлакатимизнинг ягона миллий темир йўл тизимини барпо этиш халқимизнинг асрий орзуси эди». Небахтки, Президентимиз айтган бу сўзлар бугун рўёбга чиқмоқда. Мамлакатимизнинг жанубий вилояти Сурхондарёга келадиган вагонлар учун ҳозирги пайтда қўшни Туркманистон давлатига ҳар бир вагон учун транзит ҳақи сифатида тўланиб келинаётган 550 АҚШ долларидан жами бир йилда 65 миллион АҚШ доллари атрофидаги маблағ ҳам тежалади. Демак, юртимизда иқтисодиётнинг янги уфқлари учун катта имкониятлар эшиги очилиши шубҳасиз.

— **Биз учун ушбу темирйўл нафақат муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган транспорт ўзаги, балки мамлакатимизнинг жанубий ҳудудлари — Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини барқарор иқтисодий ривожлантиришга шарт-шароит яратадиган ва ҳал қилувчи асосий омиллар бўлиб хизмат қилиши билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашда, унинг фаровонлигини оширишда катта ўрин тутиши муқаррар** — деган эди мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шу йил 12 февраль куни «2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида.

Дарҳақиқат, бу йирик лойиҳага 450 миллион АҚШ долларига яқин хорижий ва маҳаллий инвестиция йўналтирилганлигининг ўзи ҳам — юртимизнинг порлоқ истиқболи, мамлакатимизнинг мустаҳкам иқтисодиётини таъминлаш йўлида муҳим ўрин тутишини билдиради. Ушбу улкан қурилиш учун Япония давлати томонидан ҳам 153 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган ва ушбу мамлакат халқаро ҳамкорлик кредити асосида 5 та металл кўприк қуришни зиммасига олган.

Шуниси қувончлики, соҳа мутасаддиларининг айтишича, яқин икки йил ичида темирйўллар бўйлаб электр линиясини тортиш кўзда тутилмоқда. Бу эса поезд вагонларини электровозлар билан тортиш имконини беради.

...Ҳа, чиндан «Тошғузор — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли йўналишидаги ишлар беқиёс, таҳсинга лойиқ. Негаки, нотекис ҳудудлари кўп бу йўналишда махсус 50 га яқин кўприклар, поезд қатнови йўналишларини таъминловчи учта пункт, 450 тага яқин турли сунъий иншоотлар барпо этилмоқда. Тўғрироғи, уларнинг аксарияти ҳозирги пайтга келиб қурилиб бўлинди.

Энг қувончлиси, энг оғир, энг машаққатли меҳнатлар эвазига умумий узунлиги 223 километр бўлган темир йўлнинг 205 километрига пўлат излар ётқизиб бўлинди.

...Кўнгилда ўзгача хушкайфият ила ана шундай буюк яратувчиликлар билан танишиб қайтар эканмиз, уддаланиши имкони йўқдек туюлган ғоят оғир, машаққатли заҳматларни ортда қолдириб, қувончли, ҳаяжонли дамлар яқин эканлигини дилдан ҳис этдик.

Ҳа, элимизнинг орзу-армонлари ҳақиқатга айланмоқда: «Тошғузор — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли ишга тушадиган кунлар яқин...

Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

❖ ЎзХДП бошланғич ташкилотларида

«ҚУВОНЧУ ТАШВИШЛАРГА ШЕРИКМИЗ»

дейишмоқда Бухоро шаҳар маҳаллаларининг фаоллари бўлган партиядошларимиз

Маҳалла азал-азалдан Ватан ичидаги ватан ҳисобланади. Маҳалла — ота-онанг, деб бежиз айтишмайди. Шундай экан, бугун Бухоро шаҳар маҳаллаларида аҳвол қандай, у ерда фаолият кўрсатаётган партия ташкилотлари электорат орасида қай даражада нуфузга эга? Ана шуларга жавоб топиш ниятида шаҳар партия кенгашида бўлганимизда кенгаш раиси хонасида уч-тўрт кишини мунозара устида учратдик.

— Тўғриси, — деди раис Робия Козимова бизнинг мақсадимизни англагач, — ҳозир шу хусусда олиб борилган мониторинг натижалари ҳақида гурунглашаётгандик. — Ўтган сайловларда мавжуд 65 та маҳалла раислигига сайланганлардан 17 нафари бизнинг партиямиз аъзолари ҳисобланади. Ана шу маҳаллаларда яшовчиларнинг катта қисми — 2986 нафари ХДП аъзоси. Бундан ташқари, 12 нафар партиядошимиз халқ депутатлари шаҳар Кенгашига депутат этиб сайланишган. Ҳаммаси ҳақида ўзим гапирсам одобдан бўлмас. Яхшиси, улар фаолияти билан ўзингиз танишсангиз, ўз кўзингиз билан кўрсангиз...

Ҳа, минг бор эшитгандан кўра — бир бор кўрганга не етсин.

Борадиган манзилимизнинг бири шаҳарнинг янги қисмида жойлашган Боғидашт маҳалласи, иккинчиси эса қадимий Кўкалдош маҳалла фуқаролар йиғини. Иккаласи шаҳарнинг икки томонида. Шу боис, шаҳарда сўнгги йиллар давомида амалга оширилган бунёдкорлик, қурилиш, ободонлаштириш ишларига кўзингиз тушиши тайин. Мустақиллик йилларида шаҳар қиёфаси тубдан ўзгарди. Янги турар-жойлар, маъмурий-маданий бинолар, хиёбону гулзорларга боқиб, ҳавасингиз ортади. Буларнинг барчасида партиядошларимизнинг ҳам ҳиссаси бор, албатта.

...Боғидашт маҳалла фуқаролар йиғини шаҳарнинг бешинчи мавзесида жойлашган бўлиб, бу ерда 936 та оила истиқомат қилади. Беш қўл баравар бўлмаганидек, маҳаллада 136 нафар ногирон, якка-ёлғиз, қаровчисини йўқотганлар, етимсирлар ҳам яшашади. Кўриниб турибдики, партиямиз электорати бўлган бу тоифадаги одамлар алоҳида эътиборга муҳтож. Буни маҳалла фуқаролар йиғинини бошқараётган ҳамда бошланғич партия ташкилоти раиси, тиниб-тинчимас аёл Мукаррам Иброҳимова қалбан чуқур ҳис этгани боис, ҳамма ишга улгуради, одамларнинг қувонч-ташвишлари билан яшайди, ХДП аъзоларига, фаолларига таянади.

— Мен ҳамма вақт маҳалламга, маҳалладошларимга суянаман, — дейди 21/2-уйда яшовчи партиямиз хайрихоҳи Зевар Саидова. — Бир қиз, тўрт ўғилни отасиз катта қилдим. Яқинда маҳалла оқсоқоли, ХДП фаоллари бош бўлиб, ўғлим Камолжонни уйлантиришди. Бундай саховат ва оқибатдан беҳад хурсандман.

— Бир неча йилдирки, маҳалла қўмагидан баҳраманд бўлиб келяпман, — дейди биринчи гуруҳ ногирони Расул ота Азизов. — Ҳам маҳалла, ҳам партия ташкилоти раиси бўлган Мукаррамхон ХДП фаоллари Иззат Субҳонов, Ҳамро Нуриддиновлар билан доимо ҳолимдан хабар олиб туришади.

Профилактика инспектори Акрам Бобоев, «Ёшлик» хусусий уй-жойлар ширкати раиси, шаҳар Кенгаши депутати, партиядошимиз Илёс Зокиров ҳар куни ишни маҳалладошлар ҳолидан хабар олиш билан бошлашади. Ҳар бир кўчада истиқомат қилувчи ёшқари уларга таниш. Айниқса, қарияларга, ёшларга эътибор кучли. Саксон саккиз ёшли онахон Турсун Турсунқулованинг таъбири билан айтганда, қадрланган қадр топади, элда ардоқланади. Партиямиз фаоллари эса ана шундай эътиборга ўз амалий фаолиятлари билан сазовор бўлишмоқда.

Кўкалдош маҳалласида 4550 киши бир-бирига қўшни, ҳамнафас. Бу ерда одамларнинг бир-бирига меҳри бўлакча. Тўй-маъракa, таъзия, дейсизми, байрам дейсизми ҳамманинг ҳамжиҳатлигида ўтади.

— Бизда яшовчи аҳолининг етмиш фоизи қариялар, — дейди маҳалла ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси Мўмина Маъруфова. — Шундан кўриниб турибдики, «қариси бор уйнинг — париси бор» деганларидек, фаришташаси бор уйда осойишталик, қутбарака, файз бўлади.

Маҳалладаги 17 та кўча шундоқина тарихий обидалар билан туташиб кетган. Маҳалла аҳли ҳар бир обида-ю, зиёратгоҳни кўз қорачиғидек асрашни ота-боболаридан ўрганишган. Катта тажрибага эга бўлган маҳалла оқсоқоллари, ўндан зиёд ХДП фаоллари ёшларни она-Ватанга муҳаббат, кексаларга ҳурмат, бурчга садоқат руҳида тарбиялашни юксак масъулият деб билганликлари боис, турли хил тадбирлар, учрашувлар, танловлар ҳам ўтказиб турилмоқда.

— Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди. Эртага ҳамманинг кексайиши, асога суяниб қолиши бор, — дейди маҳалла тадбиркори, шаҳар Кенгаши депутати, ХДП фаоли Равшан Нуриддинов. — Шуни ўйласам, ҳар кун савобли иш қилишга ҳаракат қиламан.

Ҳақ гап. Партия ташкилоти нуфузи ҳам, партия аъзоси обрўси ҳам ана шунга боғлиқ.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

ШОДЛИККА ТЎЛСИН, ВАТАН

Таниқли шоир Азим Суюннинг ватанни тараннум этувчи шеърлари талайгина. Шоирнинг бу йил нашр этилган «Ватан фасллари» китоби тўлиғича юрт мадҳига бағишланган. Улардан бири «Ватан» деб аталмиш ўн бир банддан иборат битикдир. Унинг биринчи бандида юртининг мустақилликка эришгани, жаҳон майдонида Ўзбекистон деган ҳур мамлакат пайдо бўлгани Яратганнинг ўзбек ва Ўзбекистонга марҳамати экани шоир назари ила жондилдан ифода этилади.

Шодликка тўл, Ватан,
Шодликка буркан,
Ҳаёт, эркинликнинг қувончларин тот!
Сен ҳам тирикликнинг
аслини ўрган,
асрлар аламли жандаларин от!
О, илоҳий Кун!
О, илоҳий Сас!

Шоирнинг назарида Ватаннинг озодликка эришган куни — илоҳий Кун, «озодлик» сўзи эса — илоҳий Сас!

Инсон зоти борки эрк, эркинлик, мустақиллик сари интилади. Шуни англаган, қуллик жабрини тортган, ўз уйида мусофирлик азобларини чеккан одам учунгина бундай кун ва бундай сўз илоҳий туюлади.

Азим Суюнни Ватан, юрт куйчиси сифатида намоён этган яна бир асари «Ўзбек давлати» достонидир. Ўн икки қисмдан иборат бўлган бу асар «Манзара» деб номланади. Достон қаҳрамонлари Замонбек — мустақил юрт фарзанди, истиқлол тенгдоши — «кўп тийрак бола», Норбиби ая эса кечаги кунлар гувоҳи ва бугуннинг рамзи бўлмиш шоир. Достон Ўзбекистондаги сокин, тинч ва хотиржам куз манзараси тасвири билан бошланади:

...Камалак куз.
Кўкдан ёғилади унсиз оҳанглар —
ранг оҳанглари
Мезонлар илашиб
сузар бу оҳангларда.
Боғларда ёниб ётар
зардолилар...

Бу тасвирларни юртимиздаги тинчлик ва осойишталик рамзлари дейиш мумкин. Тинчлик, хотиржамлик бор жойда табиат ҳам сокин ва гўзал, ҳаёт ҳам қутли, тўкин-сочин бўлади. Шундай қаноат кузнинг тасвирига «камалаклик» бахш этади.

Иккинчи манзарада ўқувчи достон қаҳрамони Замонбек билан танишади. Замонбек мустақил юртнинг, бугуннинг боласи. «Унча-мунчага гап бермайдиган», «...мустақил фикр эгаси». Компьютерни, интернетни «беш бармоғидек» билади. «Кўп ўжар» ёшлардан бири. Норбиби ая эса кечаги кун одами. Унинг билишича, компьютер, интернет «ёшларни бузаётганмиш». Бу манзара икки авлод вакилини ҳам ўқувчига юзма-юз қилади. Лекин қаҳрамонларнинг бир-бирлари ҳақидаги тўхтамлари ўқувчиларга ўтмайди. Шеърхон персонажларнинг ҳар бирини борича қабул қилади ва яхши кўриб қолади.

Учинчи манзарада ўқувчи зийракназар ватан фидойиси, кўклам, тоғлар, қир-адирлар, чўллар, умуман, «Паллаи баҳорлар бошқача бўлиб кетадиган» Ўзбекюртнинг ошиғи бўлмиш шоир билан танишади. Бешинчи манзилда ўқувчи биринчи манзарани ўқиш жараёнида пайдо бўлган чигал саволларга жавоб топади:

Остонага қўниб турар лайлаклар,
лайлаклар қайтибди.
Юртга барака келибди!
Ў, лайлаклар,
кетиб қолган эди бу юртдан,
кетиб қолган эди ҳатто
Бухорои Шарифдан!
Хўп донишмандда бу қуш:
Қайда осойиш,
Тинчлик —
ўша ерда улар,
ахир
хотиржам, тинч яшашни
хуш кўрар донишмандлар.

Демак, маълум бўладики, қайси юртда тинчлик, осойишталик барқарор бўлса, донишманд қуш бўлмиш лайлак ҳам ўз табиий одатини бузади: кузда ҳам иссиқ юртларга кетмай, осойишта ўлкада қолади.

Еттинчи манзарада Замонбек бувисига Мустақиллик майдонидаги ер шаридан «Ўзбек Давлати! Ўзбекистон Давлати» Ўзига Бек Давлатни кўрсатади. Унинг адоғидаги бахтиёр она тимсолида ҳар бир ўзбек ўз онасини кўради. Чунки ўзбек аёли — фарзанди билан гўзал. Ҳар қандай аёл фарзанди билан бахтли.

Бахтли Аёл,
Бахтиёр Аёл,
Ўзбек Аёли!..

Достонда юрт мустақиллиги даврида барпо этилган Мустақиллик майдони тарихи ва таърифи, Эзгулик монументи, Сенат биноси, уларнинг маҳобати, кўрки, ҳашамати, мақоми, нафосати ва малоҳати, уруш қурбонларининг номлари олтин ҳарфлар билан битилган лавҳалар архитектураси ҳайрат билан тавсифланади.

Ўнинчи манзарада ҳар уч қаҳрамон Мустақиллик майдонида жойлашган «Хотира майдони»даги Мотамсаро Она ҳайкали ёнида учрашадилар. Мотамсаро она тимсолини Замонбек бутун мураккаблиги билан тўлалигича тасаввур қилолмайди. **«Бир умр йўлга қараб кўзларида ёш, юрагида армон ва ҳасрат, мунис ва меҳрибон, заҳматкаш, мушфиқ бу Она»**ни Норбиби ая ва унинг замондошлари яхши танийдилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бунёд этилган обидалар — ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали, «Туркистон» саройи, Миллий боғ ва бошқа қатор санъат обидалари Ўзбек давлатининг, демакким, ўзбекнинг ғурури, фахри, ифтихори.

Хуллас, шоир Азим Суюнга илҳом берган, руҳлантирган, кўнглини осмон қадар юксалтирган улуғ туйғу — бу Ватанга бўлган муҳаббатдир, тупроғи тиллоларга менгзалаётган юртга бўлган чексиз садоқатдир.

Ўйлаймизки, ўзининг суюкли она Ватани сурати-ю таърифини назмда улуғлаётган шоир Азим Суюннинг «Ватан фасллари» китоби мамлакатимизнинг ушбу нуфузли мукофотига муносибдир.

Қундузхон ҲУСАНБОЕВА,
доцент,
Гулжаҳон ДЎСЖОНОВА
катта ўқитувчи

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

4Н-613 «Бойсун ш. — Дугоба к.» автомобиль йўлининг **2,0 км.**дан **12,0 км.**гача қисмини мукаммал таъмирлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — **452,927** млн. сўм.

Қурилиши муддати — **180 кун.**

Иншоотнинг қурилиш ишлари Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: *Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.*

Манзил: **Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.**

Тел/Факс: 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун рухсатнома (лицензия) ва танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

❖ Анжуман

ДУНЁ ОЛИМЛАРИ САМАРҚАНДДА

Қадимий Самарқанднинг юраги бўлмиш Регистон мажмуи яна бир йирик тадбир марказига айланди. Улуғбек мадрасасида шаҳарнинг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан «Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Унда Буюк Британия, Франция, Италия, Австрия, Япония, Хитой, Россия каби дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан ташриф буюрган йирик тарихчи ва археолог олимлар, нуфузли ўқув юртлари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари юртимиз илм аҳли билан ўзаро фикр алмашдилар.

Анжуман иштирокчилари «Шаҳарсозлик ва давлатчиликнинг илк шакллари», «Самарқанд Буюк ипак йўлида. Халқаро Савдо», «Амир Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиё ҳудудидаги уйғониш. Мирзо Улуғбекнинг жаҳон фанига қўшган ҳиссаси», «Ўзбекистон фани ва маданиятининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни», «Самарқанд манбашунослиги ва топонимикаси», «Самарқанд тарих чорраҳаларида. Этномаданий алоқалар» шўъбаларига бўлинган ҳолда иш олиб боришди. Ўзаро мулоқотлар ва учрашувлар жараёнида Самарқанднинг бой ўтмиши, бетакрор маданияти, буюк сиймолар фаолияти, унинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида маърузалар ўқилди. Шунингдек, шаҳар тарихи бўйича олиб борилаётган сўнгги тадқиқотлар натижалари ҳақида ҳам маълумотлар берилиб, шаҳар бўйлаб сайёҳатлар уюштирилди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги «Тинчлик» майдонида Монументал композиция қурилиши.

Қурилишни якунлаш муддати — 2007 йил 1 сентябрь.

Буюртмачи: *Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси. Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.*

Қурилиш ишлари Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компаниясига ажратилган маҳаллий маблағ ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига, қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи. 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Тел/факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклиф (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАТТАҚЎРҒОН ШАҲРИДАГИ «МАРВАРИД» СИҲАТГОҲИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Каттақўрғон шаҳридаги «Марварид» сиҳатгоҳини реконструкция қилиш.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 6 ой.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: *Каттақўрғон шаҳри, Т.Розиқов кўчаси, телефон: (8-36645) 5-33-22.*

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк Сарой майдони, 2Д-корпус, 403-хона. Тел.: 233-32-00, факс: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк Сарой майдонида соат 16.00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

СОҒЛИҒИ ЁМОНЛАШГАН

КХДР раҳбари Ким Чен Ирнинг саломатлиги шифокорларда жиддий хавотирлик уйғотмоқда, деб ёзади The Herald Tribune газетаси Жанубий Кореянинг The Chusun Ilbo нашрига асосланиб. Жанубий Корея газетасининг маълумотларига кўра, Шимолий Корея раҳбари охирги бир неча ҳафтада аҳволи ёмонлиги боис омма олдида пайдо бўлишини кескин камайтиришга мажбур бўлган. «Ким Чен Ир кўпдан буён диабет ва юрак хасталигидан азобланмоқда, лекин ҳозир бу дардлар кучайган», деб Жанубий Корея махсус хизмати вакилларидан бирининг сўзларидан иқтибос келтиради газета. 65 ёшлик Ким Чен Ирнинг оғир хасталиги ҳақидаги хабар илгари ҳам пайдо бўлганди, лекин бу сафар КХДР раҳбарининг соғлиғи ёмонлашганлиги ҳақидаги хабар «жуда ишончли манбалардан» олинган. Жанубий Корея газетасининг ёзишича, бундай маълумотлар Сеулдан ташқари Вашингтонда ҳам мавжуд.

ВАҚТИНЧАЛИК ПАСПОРТ НАЗОРАТИ

Июнь ойи бошида Германия шимолидаги Хайлигендамм курортида ўтадиган «катта саккизлик» саммити муносабати билан Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги чегараларда, шунингдек, Европа аэропортларида яна вақтинчалик паспорт назорати жорий этилади, деб хабар қилди «Немис тўлқини». Федерал полиция расмий вакилининг айтишича, бу чоралар «саккизлик» учрашуви кунларида аксилглобалчиларнинг норозилик чиқишларидан турли жиноятлар ва зўравонликларни амалга ошириш учун фойдаланиш пайида бўлган кишиларнинг Германияга суқулиб киришининг олдини олишга қаратилган.

МУЗОКАРАЛАРГА ХАЛАҚИТ БЕРАДИ

Associated Press хабарига кўра, Польша президенти Лех Качиньский мамлакат ҳудудида Американинг ракетага қарши мудофаа тизими элементларини жойлаштириш тўғрисидаги музокараларда НАТОнинг воситачилик қилишига қарши чиқди. Агар Варшава Вашингтон билан тўғридан-тўғри музокараларни олиб борса, АҚШнинг режалари тезда амалга ошади, деган Польша етакчиси. «Агар биз НАТОнинг барча аъзоларидан сўраб чиқадиган бўлсак, улар орасида мазкур масала бўйича фикри бутунлай Москванинг нуқтаи назарига боғлиқ бўлганлар ҳам бор, унда ракетага қарши мудофаа ҳеч қачон тузилмаслиги мумкин», таъкидлади Л.Качиньский.

АҚШ Польша ҳудудида 10 та тутувчи ракетани жойлаштириш, шунингдек, қўшни Чехияда радиолокацион станцияни қуриш ниятида Америка маъмуриятининг фикрича, бу чоралар Европани Эрон ва Шимолий Корея томонидан эҳтимолий ракета ҳужумларидан ҳимоя қилиш учун зарур. Шуни айтиш керакки, расмий Вашингтоннинг бу борадаги оҳанги кун сайин қаттиқ тус олаяпти. Чунончи АҚШ мудофаа вазирининг ўринбосари Даниэль Фата Америкаининг расмий нуқтаи назарини очиқ-ойдин билдириб, ракетага қарши мудофаа тизими элементлари Россиянинг эътирозига қарамай, Европада жойлаштирилади, деб таъкидлади.

ТАКЛИФНИ РАД ЭТДИ

Фаластин «Хамас» ҳаракати Фаластин мухториятининг сиёсий етакчиси Маҳмуд Аббоснинг Исроил ҳудудларини ракеталардан ўққа тутилиши тўхтатилишини кўзда тутган яраш аҳдини бошлаб юбориш ҳақидаги таклифини рад этди.

«Хамас» вакили Айман Таха Исроил Ғазо минтақасига авиазарбалар уришни ва Иордан дарёсининг Ғарбий соҳилига рейдлар ўтказишни тўхтатган тақдирдагина яраш аҳдига шайлигини билдирган. Оқшом тушиши билан Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ғазо минтақасига бешта ракета зарбасини берган.

Маълум бўлишича, Исроил «Хамас» ҳаракатига ҳарбий босим ўтказишни тўхтатиш ниятида эмас.

ҚАРИЙБ ИККИ ЮЗ МИЛЛИОН ПАРРАНДА

Индонезиянинг Марказий Ява туманида парранда гриппи вирусидан беш ёшли қизалоқ вафот этди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотига кўра, у Эйч5-Эн1 вирусини паррандадан юқтирган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, парранда гриппи вирусини юқтириш оқибатида Осиёда икки юзга яқин киши ҳаётдан кўз юмган. Энг кўп қурбонлар сони Индонезияда қайд этилган. Вьетнамда эса мазкур вирус элликдан зиёд одамнинг умрига зомин бўлди.

Маълумотларга кўра, хавфли касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида қатор мамлакатлар сўнгги бир неча йил ичида қарийб икки юз миллион паррандани йўқ қилган.

❖ Дилдаги ўйлар

ЎЗ ҚАДРИН БИЛГАН ЭЛ

ҚАРИЯЛАРИНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИ, ҚАҲРАМОНЛИКЛАРНИ УНУТМАЙДИ



Хотира уйғонса гўзал дейміз. Аммо хотира қачон уйғонади? Хотиралар дарёсини, хотиралар денгизини қалқитувчи куч нима? Балки бу соғинчдир, балки армон ва ёки қонқонимизда, вужуд-вужудимизда асрлар оша яшаб келаётган меҳру оқибатимиз, қадру қимматимиздир. Ҳар не бўлганда ҳам хотира шунчаки уйғонмайди.

Мустақиллик бизнинг мудроқ қалбимизни уйғотиб чертиб юборди. Ногоҳ очилган кўзларимиз аввал ўзлигимизни кўрди. Ҳурлик қон-қонимизда азалдан борлигини кеч бўлса ҳам англадик. Хотира муқаддас деймиз. Лекин хотира қачон муқаддас бўлади? Албатта, ўтганлар руҳини шод қилолсак. Бу йилги 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳам ҳар йили бўлгани каби катта тантана, шукуҳ билан ўтди. Юртимизнинг барча гўшаларида кекса авлод вакилларига чексиз эҳтиром, иззат-икром кўрсатилди. Айниқса, Мустақиллик майдонидаги Мотамсаро она ёдгорлиги, Мустақиллик ва Эзгулик монументи пойи гулларга тўлиб кетди. Муҳтарам Президентимиз Мустақиллик майдонида сўзлаган нутқларида айтдиларки: «Биз фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшганларни улуғлашимиз, уларнинг номини абадийлаштиришимиз, бирор кишини ҳам эътиборсиз қолдирмаслигимиз шарт.»

Дарҳақиқат, бу сўзлар ҳаётимизда ўз ижобатини топаяпти. Биз Хотира ва Қадрлаш кунини ҳар йили ўкинч ва армон, айни пайтда қувонч ва ғурур билан кутиб оламиз. Армонимиз бевақт қурбонлар руҳига таъзимда юз очса, қувонч ва ғуруримиз 62 йиллик тинчлигимиз тантанасида, мустақиллигимизнинг улуғвор шукуҳига намоён бўлади. Ўзлари кексайиб, 80-90 ёшдан ошган бўлса ҳам, ажин босган чеҳраларидан шукрона нурлари ёғилиб турган, тилларидан, дилларидан хуш дуолар тушмаган отахонларга боқиб, дилинг ўртанади. Боиси, улар сафи кун сайин камайиб бормоқда. Аммо уларнинг ҳар бири бугунги кунда эзгулик ва савоб ишларнинг саркори, меҳру оқибатнинг устунларидир. Улар жасоратини, ибратини мадҳ этиш, иззату ҳурматини ўрнига қўйиш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Эҳтиром кунлари таъсирида бўлса керак, жавонимдаги китобларни варақлаб туриб, ниҳоятда хайрли ишга қўл урган «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши томонидан тайёрланган «Йиллар ва тақдирлар» китобига кўзим тушди. Ушбу тўпламда ўттиз уч ватандошимиз — уруш ва меҳнат фахрийлари ҳақидаги очерклар, эсселар жамланган. Уларнинг 3 нафари китобни қўлга олиб, кўриб ҳаётдан кўз юмди. 30 нафари эса ҳаёт... Ўттиз учта тақдир, ўттиз учта умр йўли. Ҳар бири мардлик ва жасорат, муҳаббат ва ҳикмат эгаси.

Китоб публицистик руҳда ёзилган бўлиб, ўттиз уч ватандошимизнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Уларнинг ҳаммаси бугун саксондан ошган, тўқсонга етиб, икки асрнинг гувоҳи бўлиб, мустақил юртимизда яшамоқдалар. Белларидан қувват, кўзларидан нур қочган бўлса ҳам юракларини ғурур, ғайрат тарк этмаган.

Китобнинг илк очерки, тўғрироғи, бадиаси «Тақдирга бўй бермасдан»ни ўқийман. Қибрайлик Ғулом ота Каримовнинг жасорати қалбни қалқитиб юборади. Инсон боласининг қўлидан келадиган қаҳрамонликни, ҳатто, тасаввур ҳам қилиш қийин. Ғулом Каримовнинг мардлиги жўшқин сатрларда, содда, самимий жумлаларда ёркин чизиб берилади. Худди шундай «Синчалак хола» бадиаси ҳам чуқур лиризм, қаҳрамонга нисбатан беҳад катта ҳурмат билан суғорилган.

Бир китобхон сифатида менга «Жасорат юракда туғилади», «Ҳаёт қўшиғи», «Сен ширинсан, ҳаёт», «Вафо қўрғони», «Мингларнинг бири», «Саттор чармгарнинг ёлғизи» каби очерклар ғоятда манзур бўлди. «Ироданг метинми, аскар беваси» бадиаси аёл матонатига, унинг беғубор муҳаббатига, садоқатига худди бир қасидадек жаранглайди. «Гурлан фарзанди» очерки эса тинч йилларда ўзини аскардек ҳис этиб, меҳнат қилган замондошимиз ҳақидаги мадҳиядир.

Ушбу очеркларнинг ёзилиш услуби, тили, бадиияти ҳар бири ўзига хос, бетакрор. Чунки китоб муаллифлари журналистикамиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, ўз қаламига, ҳаёт тажрибасига эга ижодкорлар. Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар Темур Убайдулло, Гулчехра Жамилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Солиҳ Ёқубов, Муқаддас Абдусаматова, шунингдек, Алижон Сафаров, Мурод Ботиров, Муборак Миркамоловалар номи, ижоди адабиёт ихлосмандларига, минглаб газетхонларга яхши таниш.

«Йиллар ва тақдирлар» китобининг яна бир диққатга сазовор жиҳати — бу қаҳрамонларнинг нафақат уруш давридаги фидойиликлари, балки урушдан кейинги, хусусан, мустақиллик йилларидаги ҳаёти ҳам очиб берилганидир. Чунки жангоҳ кўрган отахонлар, онахонлар юртимиз истиқлолга эришганидан кейин ҳам ўз хайрли ишлари билан барчага ибрат бўлиб келаётирлар.

«Йиллар ва тақдирлар» китобини ўқиган минглаб ҳамюртларимиз, ёш ватандошларимиз ота-боболаримиз, момоларимиз олдида қанчалар бурчли эканликларини юрак-юракдан ҳис этадилар.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

❖ Болалар спорти

МИРЖАЛОЛНИНГ ИЗДОШЛАРИ

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб болалар ўртасида футбол оммавийлигини оширишга катта аҳамият берила бошланди. Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 1 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эса бу соҳага бўлган эътиборни янада кучайтирди.

Мазкур қарор нафақат профессионал футбол клубларини шакллантириш, балки иқтидорли ёшларни спортга жалб этиш, ишончли заҳирани шакллантириш ҳамда болалар футболини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашда ўзига хос дастуриламал бўлди. Бунга жавобан қисқа муддат ичида Наманган шаҳридаги 17-футболга ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мамлакат олий лигасининг «Навбаҳор-Н» футбол клуби ихтиёрига ўтказилди.

Акмал Раҳмонов раҳбарлик қилаётган ушбу даргоҳда айни пайтда уч юз нафардан зиёд ўғил-қиз футбол билан шуғулланмоқда. Уларга ўн беш нафар малакали мураббий «чарм тўп» сирларини ўргатмоқда.

— Илгари болалар билан машғулотлар ўтказишимиз учун тайинли футбол майдонимиз ҳам йўқ эди, — дейди мураббий Умар Отахонов. — Шу боис, шаҳардаги 27-, 33-, 48-умумтаълим мактаблари стадионларида машғулот ўтказишга мажбур бўлардик. Имконият чекланганлиги туфайли ҳатто баъзан спорт кийимлари, тўпларни харид қилишда ота-оналар кўмагига муҳтож эдик. Мактабимизнинг «Навбаҳор-Н» футбол клуби ихтиёрига ўтказилиши нафақат мураббийларни, балки мактабимиз тарбияланувчилари билан бир қаторда ота-оналарни ҳам беҳад қувонтирди. Эндиликда шогирдларимиз билан шаҳримизнинг «Навбаҳор», «Спартак», «Ёш куч» сингари стадионларида, шунингдек, «Навбаҳор-Н» жамоаси ўринбосарлари майдонларида машғулотлар олиб бораяпмиз. Спорт кийимкечаклари, тўплар етарли.

— Яқинда Муборак шаҳрида болалар ўртасида Б.Вафоев хотирасига бағишланган халқаро турнирда иштирок этиб қайтдик, — дейди 1995 йилда туғилган Абдурауф Ғуломов. — Унда «Бухоро», «Машъал», «Насаф», «Шўртан» каби номдор жамоалар ўринбосарлари билан биргаликда Қозоғистондан келган тенгдошларимиз ҳам тўп суришди. Мусобақада муносиб натижани қайд этганлигимиз туфайли севимли «Навбаҳор-Н» жамоасининг етакчи футболчилари бизга футбол кийимлари, тўплар совға қилишди. Ниятим эса мураббийимиз Аъзам Ражаббоев ҳамда ота-онамнинг ишончини оқлаб, келгусида Миржалол Қосимовдек машҳур футболчи бўлиш.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *мураббий Аъзам Ражаббоев шогирдлари билан.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

Акциядорлик-тижорат «АЛОҚАБАНК»нинг

молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли муҳим фактлар ҳақида

ХАБАРНОМА

05-ХАБАР

Даромадлари ҳисобланган ва (ёки) тўланаётган (тўланган) қимматли қоғозлар тури, шунингдек акциялар учун — категорияси (тури): оддий ва имтиёзли акциялар.

Банк томонидан акциялар бўйича дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилиш санаси: 2007 йил 25 май.

Акциялар бўйича дивидендларни тўлаш муддати: 2007 йил 26 майдан 25 июлгача.

Дивидендларни ҳисоблаш вақтида — акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилган банк бошқаруви органи: акциядорларнинг умумий йиғилиши.

Кўрсатилган категория (тур)даги ҳар бир акцияга ҳисобланган, тўланаётган (тўланган) дивиденд миқдори: оддий акция учун — 5,76 сўм, имтиёзли акция учун ҳар чоракда — 20 сўм.

Даромадлари ҳисобланган бир категория (тур)даги акциялар умумий сони бўйича ва даромадлари тўланган бир категория (тур)даги акциялар умумий сони: оддий акциялар умумий сони — 76 800 000 дона, имтиёзли акциялар умумий сони — 3 200 000 дона.

Қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган даромадларни тўлаш шакллари (пул маблағлари, бошқа мол-мулк): пул маблағлари.

07-ХАБАР

Банк томонидан қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхатини тузиш санаси тўғрисида қарорни қабул қилиш санаси: 2007 йил 25 май.

Қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхати тузиладиган сана: оддий акциялар учун 2007 йил 25 апрель, имтиёзли акциялар учун 2007 йил 1 апрель.

08-ХАБАР

Қимматли қоғозлар эгаларининг олдидаги банк мажбуриятлари: банк акциялари учун дивидендлар тўлаш.

Қимматли қоғозлар эгалари олдидаги банк мажбуриятларини бажариш муддатлари: 2007 йил 26 майдан 2007 йил 25 июлгача.

10-ХАБАР

Ўзгариш содир бўлган банкнинг бошқарув органи: Банк Кенгаши.

Банкнинг бошқарув органига сайланган (тайинланган) ҳар бир шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, банк устав капиталидаги улуши: Арипов Абдулла Нигматович 58 030 дона ёки 0,07%, Маҳмудов Махсум Мубаширович 49 300 дона ёки 0,06%, Мухитдинов Хаким Асрорович 63 640 дона ёки 0,08%, Касимов Рустам Саидович 1 625 234 дона ёки 2,03%, Аскаров Равшан Акбарович 54 710 дона ёки 0,07%, Абидходжаев Шомансур Шоюсупович 41 630 дона ёки 0,05%, Юлдашев Фахриддин Туракулович 52 010 дона ёки 0,07%, Иминов Тохиржон Каримович 44 000 дона ёки 0,06%, Мансуров Рустам Пулатович 33 200 дона ёки 0,04%.

Банкнинг бошқарув органига сайланган (тайинланган)ларнинг ваколати тугатилган ҳар бир шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, банк устав капиталидаги улуши: Арипов Абдулла Нигматович 58 030 дона ёки 0,07%, Махмудов Махсум Мубаширович 49 300 дона ёки 0,06%, Мухитдинов Хаким Асрорович 63 640 дона ёки 0,08%, Касимов Рустам Саидович 1 625 234 дона ёки 2,03%, Аскаров Равшан Акбарович 54 710 дона ёки 0,07%, Абидходжаев Шомансур Шоюсупович 41 630 дона ёки 0,05%, Фахрутдинов Фатхитдин Зухридинович 20 000 дона ёки 0,03%.

Кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар содир бўлган ёки содир бўладиган сана: 2007 йил 25 май.

Кўрсатиб ўтилган ўзгаришларга асос бўлган қарорни қабул қилган банкнинг ваколатли органи ва унинг қабул қилиш санаси ёки кўрсатиб ўтилган ўзгаришларга олиб келган бошқа ҳолатлар: 2007 йил 25 май акциядорларнинг умумий йиғилиши.

АТ «Алоқабанк» акциялари 2007 йил 21 майдан бошлаб, «Тошкент» Республика фонд биржаси листингининг «А» категориясига киргaнлигини маълум қилади.

ФАРҒОНА ТЕАТРИ ТОШКЕНТДА

Кейинги йилларда вилоятлардаги театр жамоаларининг пойтахтга ижодий сафарларини ташкил этиш яхши анъанага айланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида театр жамоаси учун ҳам, мухлислар учун ҳам ижобий самараларини бермоқда.

Куни кеча Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма театри жамоасининг Тошкент шаҳридаги ижодий сафари бошланди. Гастроль сафарининг очилиши Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтди. Унда театр арбоблари, санъатшунос олимлар, талабаёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, театр ҳаёти ва ижодий фаолияти билан яқиндан таништирдилар. Шундан сўнг театр жамоаси томонидан Усмон Азим асари асосида саҳналаштирилган «Бахт қуши» спектакли намойиш этилди. Шунингдек, ижодий сафар давомида «Кампир топайми дадажон?», «Мизантроп ёҳуд одамови» каби спектакллар ҳам гастроль репертуаридан жой олган бўлиб, пойтахтлик томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади.

Маъмуржон МАҲМУД

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лот 1-1. Термиз шаҳридаги 1280 ўринли 2-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 56,910 млн. сўм. Қурилиш муддати — 65 кун.
Лот 1-2. Термиз шаҳридаги 1265 ўринли 11-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 43,211 млн. сўм. Қурилиш муддати — 65 кун.
Лот 1-3. Термиз шаҳридаги 820 ўринли 25-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 41,520 млн. сўм. Қурилиш муддати — 53 кун.
Лот 1-4. Шеробод туманидаги 750 ўринли 21-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 61,012 млн. сўм. Қурилиш муддати — 50 кун.
Лот 1-5. Музрабод туманидаги 784 ўринли 33-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 40,501 млн. сўм. Қурилиш муддати — 35 кун.
Лот 1-6. Олтинсой туманидаги 844 ўринли 54-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 45,162 млн. сўм. Қурилиш муддати — 38 кун.
Лот 1-7. Шўрчи туманидаги 1000 ўринли 3-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 31,740 млн. сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.
Лот 1-8. Сариосиё туманидаги 844 ўринли 16-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 42,629 млн. сўм. Қурилиш муддати — 55 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Мактаб таълимини ривожлантириш Республика жамғармаси ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси.
Манзил: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 15-уй.
Тел/факс: 227-35-51, 227-26-23.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитекқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:
Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:
Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 15-уй.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449

11330 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

O`zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 22.50
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda